



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**“Тошкент ИЭС” АЖ**

Молия буйича директор

**Б.О.УСМОНОВ**

2022й.

**““ТОШКЕНТ ИЭС” АЖда МАЖБУРИЙ АУДИТОРЛИК  
ТЕКШИРУВИНИ ЎТКАЗИШ” ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН**

***ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ***

Буюртмачи: “Тошкент ИЭС” АЖ

Тошкент  
2022 йил

## 1. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- 1 *Умумий қоидалар.*
  - 1.1 Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунларининг талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
  - 1.2 Танловнинг моҳияти:  
“Тошкент ИЭС” АЖда мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш” ишларини бажариш учун
  - 1.3 Танловнинг қиймати қуйидагича –
    - Бошланғич (старт) нархи – жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича - **15 000 000, 00 сўм. (ҚҚС билан)**
    - Бошланғич (старт) нархи молия ҳисоботини Халқаро молия ҳисоботи стандартларига (ХМҲС) мувофиқ тузиш (ҳисоботни ХМҲС бўйича аудити) - **27 000 000, 00 сўм. (ҚҚС билан)**
    - Бошланғич (старт) нархи – жамият ижроия органи фаолиятининг Асосий самарадорлик кўрсаткичлари (КПЭ), Самарадорликнинг интеграл коэффиценти (ИКЭ) қийматларининг ҳисоб-китобини ва мезонлар белгиланишини текшириш - **4 000 000,00 сўм. (ҚҚС билан)**
  - 1.4 Танлов таклифида кўрсатилган нархлар чегаравий қийматдан ошмаслиги керак.
  - 1.5 Хизматларни кўрсатиш учун техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида тақдим этилган.
  - 1.6 Танлов комиссияси йиғилишининг шакллари – электрон.
- 2 *Танлов ташкилотчилари*
  - 2.1 “Тошкент ИЭС” АЖ танлов буюртмачиси бўлиб ҳисобланади (бундан кейин – “Буюртмачи”).  
“Буюртмачи”нинг манзили: Тошкент вилояти, Қибрай тумани  
“Буюртмачи”нинг реквизитлари: МФО 00403, ИНН 200 605 388  
Ҳ/р: 2021 0000 5001 1784 9001  
ОКЕД: 35111. Банк: ЎзСҚБ АТБ Сергели филиали  
Тел: (78) 150-13-56, (78) 150-30-18
  - 2.2 Ташкилотчининг алоқа шахси: Бош бухгалтер – Ф. Музаффаров.
  - 2.3 Танловни Буюртмачи томонидан яратилган, таркиби камида олтига аъзодан иборат бўлган, танлов комиссияси ўтказилади.
- 3 *Танлов иштирокчилари*
  - 3.1 Танловда, мулкчилик шаклидан қатъий назар, ҳар қайси юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари, иштирок этиши мумкин, 4.2.бандда келтирилган юридик шахслар бундан мустасно.
- 4 *Танловни ўтказиш тартиби*
  - 4.1 Танловда қатнашиш учун танлов иштирокчиси қуйидаги ишларни бажариши лозим:

- а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон кўринишини олиш (ўз компьютерига ёзиб олиш);  
 б) танлов ҳужжатларининг талабларига мувофиқ танлов таклифини тақдим этиш;
- 4.2 Қуйидаги иштирокчилар танловда қатнашиши мумкин эмас:
- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичидаги иштирокчилар;
  - “Буюртмачи” билан суд ёки арбитраж кўриб чиқиши жараёни ҳолатидаги иштирокчилар;
  - мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ижрочиларнинг Ягона реестридаги иштирокчилар;
  - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликларга эга бўлган иштирокчилар;
- Рўйхатдан ўтган ва имтиёзли солиқ режимини тақдим этадиган ёки моливий муомалаларни амалга оширишда ахборотнинг ошкор этилиши ва тақдим этилишини кўзда тутмайдиган давлатлар ва ҳудудларда (оффшор зоналари) банк ҳисоб рақамларига эга бўлган иштирокчилар.
- 4.3 Қуйидаги ҳолларда Буюртмачи иштирокчини харид ҳаракатларидан четлаштиради, агар:
- давлат харидлари жараёнида қандай-дир ҳаракатни содир этишга, қарор қабул қилишга ёки буюртмачининг қайси-дир танлов муолажаниси қўллашга таъсир этиш мақсадида иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг ёки бошқа давлат идорасининг ишлаётган ёхуд собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклда мукофот ёки қимматбаҳо буюм, ишга ёллаш ҳақида таклиф ёки хизмат таклиф қилса, берса ёки беришга рози бўлса;
  - иштирокчида қонунчиликка зид равишда ҳаққоний бўлмаган рақобат устуворлиги ёки манфаатлар қарама-қаршилиги мавжуд бўлса.
- 5 **Танлов тили, ўзгартиришлар тили**
- 5.1 Танлов таклифи ҳамда иштирокчи билан буюртмачи ўртасидаги у билан боғлиқ барча ёзишмалар ва ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида амалга оширилади. Танлов таклифи, бошқа тилда ҳам қилиниши мумкин, лекин унга ўзбек ёки рус тилида аниқ таржимаси илова қилиниши шарт. Танлов таклифининг матни, биттадан ортиқ тилдан фойдаланганда, турлича талқин қилиниши мумкин бўлса, ўзбек ёки рус тили асосий бўлиб ҳисобланади.
- 6 **Танлов таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби**
- 6.1 Танлов иштирокчиси: тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларни асл нусхада ва ҳаққоний бўлиши учун жавобгардир; фақат битта таклиф тақдим этиш ҳуқуқига эгае; таклифларни тақдим этиш муддати тугашига қадар

тақдим этилган таклифни қайтариб олиш ёки унга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

- 6.2 Танлов таклифи икки қисмдан иборат:  
- нархлар қисми танлов шартларига мувофиқ бўлиши ва қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:  
- хизматларни кўрсатиш қиймати, жаъми қиймат, тўлов шартлари, таклифни амал қилиш муддати ва х.
- 6.3 Иштирокчилар танлов таклифларининг амал қилиш муддати танлов таклифларини тақдим этиш тугатилган кундан кейин 10 кундан кам бўлмаслиги лозим.

**7 Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш**

- 7.1 Зарур ҳолларда буюртмачи танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор, танлов таклифларини тақдим этиш муддати тугаши санасидан олдин уч кундан кечиктирмай, қабул қилиниши мумкин.

Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш жараёнида маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) ёки унинг тавсифларини ўзгартириш мумкин эмас.

Танлов ҳужжатларига, таклифларни тақдим этиш тугаган муддатда, ўзгартиришлар киритилган тақдирда, танлов муддати, ушбу ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш санасидан, камида ўн кунга узайтирилади.

Шу билан бир вақтда танловни ўтказиш ҳақидаги эълонга ҳам ўзгартиришлар киритилади, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса.

**8 Уларни баҳолаш тартиби ва мезонлари**

- 8.1 Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати танлов таклифларини тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб 10 кундан ошмаслиги лозим.
- 8.2 Танлов комиссияси, танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга асосан танлов ғолибини аниқлаш учун танловдан ўтган таклифларни баҳолайди.
- 8.3 Иштирокчи томонидан тақдим этилган танлов ҳужжатларида ахборот нотўғри берилганлиги аниқланган ҳолларда, танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда қатнашишдан четлаштириши мумкин.
- 8.4 Танлов таклифларини баҳола ва танлов ғолибини аниқлаш мезонларга асосан амалга оширилади.
- 8.5 Таклиф Қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлса, у тегишлича расмийлаштирилган бўлиб ҳисобланади.
- 8.6 Танлов комиссияси, агар уни тақдим этган танлов иштирокчиси Қонун ва қарор билан ўрнатилган талабларга жавоб бермаса ёки танлов иштирокчисининг таклифи танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаса, ушбу таклифни танловдан ўтказмайди.

- 8.7 Агар танлов иштирокчилари таклифни турли валютада тақдим этса, баҳолаш вақтида таклифларнинг қиймати, танлов таклифининг нархли қисми солинган хатжилдлари очилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ягона валютада қайта ҳисобланади.
- 8.8 Танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезоналарга шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб деб топилади.
- 9 **Шартнома тузиш**
- 9.1 Танлов натижаларига кўра шартнома танлов ҳужжатларида, шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда кўрсатилган шартларда тузилади.
- 9.2 БУЮРТМАЧИ 10 кун давомида шартноманинг умумий қийматидан 15 фойиз миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Шартнома умумий қийматининг қолган 85 фойзини БУЮРТМАЧИ, ишлар тугатилганидан сўнг, ИЖРОЧИ томонидан тақдим этиладиган ҳисоб-фактурага ва бажарилган ишлар далолатномасига мувофиқ 90 (тўқсон) кун давомида тўлайди.
- 10 **Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликка риоя этилиши**
- 10.1 Қуйидаги шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик олиб боради:  
- келиб тушувчи танлов таклифларини ҳисобга олувчи ва уларнинг сақланиши ва махфийлигини таъминловчи ишчи орган таркибига кирувчи шахслар, танлов комиссияси раиси ва аъзолари, шунингдек танлов таклифларини ўрганиб чиқиш учун ташкил этилган ишчи орган аъзолари ахборотни ошкор этганлиги, иштирокчилар, комиссиянинг қолган аъзолари жалб қилинган экспертлар билан тил бириктирилганлиги, ҳамда бошқа қонунга зид ҳаракатлари учун.
- Танлов ғолиби шартнома бўйича мажбуриятларни (миқдорий, сифт ва техник параметрлари бўйича) бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва/ёки шартномага мувофиқ жавобгарликка тортилади.

БОШ БУХГАЛТЕР



Ф. МУЗАФФАРОВ